

# ЯНГИ

Ижтимоий-сиёсий газета

# ЎЗБЕКИСТОН

№ 38 (38), 2020 йил 17 март, сешанба



## Шарҳ

### ҚУРИЛИШ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

**хуфиёна иқтисодиётга барҳам беради, коррупциянинг олдини олади**



Президентимизнинг Олий Мажлисига Мурожаатномасида қурилиш соҳаси иқтисодиётнинг муҳим "драйвер"ларидан бирига айлангани, соҳанинг ялпи ички маҳсулотидаги улуши 6 фоиздан ошгани бунинг исботи экани эътироф этилди ва тармоқни ислоҳ қилиш вазифалари белгилаб берилди. Давлатимиз раҳбарининг 5 февралдаги "Қурилиш-монтаж ишлари сифатини тубдан яхшилаш ва қурилишни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги қарори назорат соҳасида туб бурилишларга йўл очган бўлса, 14 мартдаги "Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони тизимда амалга оширилган кенг қўламли ислоҳотларнинг ҳуқуқий асоси вазифасини ўтади.

Ўзбекистон қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари Шерзод Хидоятон билан суҳбатимиз мазкур фармоннинг мақсад-моҳияти ва белгилаб берилган чора-тадбирларнинг асосий жиҳатлари ҳақида бўлди.

— Мурожаатномада қурилишга оид нормаларни халқаро стандартларга уйғунлаштириш, замонавий технологияларни татбиқ этиш вазифалари ўз ифодасини топган. Президентимизнинг фармони бу борада тизимда қандай ўзгаришлар ясаиди ва уларнинг самаралари амалда қандай натижалар бериши назарда тутилган?

— "Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонда, энг аввало, мамлакатимизнинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш ҳамда қўлаб қўриқиб инвестиция ташкилотлари ва фирмалари учун муносиб қўлайликлар, мақбул шарт-шароитларни яратишга эътибор қаратилган. Республикада

илк бора 2028 йил 31 декабрга қадар муайян шартлар асосида хорижий шаҳарсозлик норма ва қоидаларини қўллашга рухсат этилмоқда. Бу борада маҳаллий лойиҳа қидирув ташкилотлари томонидан хорижий нормаларни юртимизнинг иқлими ва шу каби бошқа географик жиҳатларни инобатга олган ҳолда маҳаллийлаштириш ишлари бақамти равишда олиб борилади. Мазкур жараёнда номуносиб бўлган жиҳатлар учун махсус техник меъёрларни ҳам ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланган.

Шунингдек, ушбу фармон билан лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш жараёнига хорижий эксперт ва консултантларни жалб қилиш имконияти яратиб берилмоқда. Аҳамиятлиси, мамлакатимиздаги лойиҳа-қидирув ташкилотлари хорижий нормаларни маҳаллийлаштириш жараёнида бир пайтнинг ўзиде илгор хорижий тажриба билан танишган ҳолда уларни ўз фаолиятида кенг қўллаш бора-сида ҳам кўнимага эга бўлиб боради.

— Эндилда Қурилиш вазирлиги ҳузурда Қурилишда техник меъёрлаш маркази фаолият кўрсатади. Бу марказ тизимдаги муаммоларни ҳал қилиш ва инновацион технологияларни татбиқ этишга қандай ёрдам бериши мумкин?

— Қурилишда техник меъёрлаш маркази тармоқ фаолиятига оид миллий норма ва қоидаларни жаҳон стандартлари билан мувофиқлаштириш, уйғунлаштириш мақсадида ташкил этилган.

Давоми 2-бетда

## Соғлиқни сақлаш вазирлигининг АХБОРОТИ

Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасадди вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда эпидемиологик суриштирув ҳамда коронавирус инфекциясининг тарқалиб кетмаслиги учун барча профилактик чора-тадбирларни изчил амалга оширмоқда.

2020 йил 16 март соат 22:00 ҳолатига кўра, айти пайтда коронавирус инфекцияси қайд этилганлар 8 нафарга етди.

Шу йил 15 март кун Вирусология илмий-тадқиқот институти лабораториясида Францияда бўлиб қайтган бир нафар Ўзбекистон фуқаросида, шунингдек, унинг ўғли ва қизи, турмуш ўртоғи ва набирасида коронавирус инфекцияси аниқланганини хабар қилган эдик. Олиб борилган таҳлил натижаларига кўра, ушбу бемор билан мулоқотда бўлган қариндошида ҳам коронавирус инфекцияси қайд этилган.

Бундан ташқари, жорий йил 14 март кун "Uzbekistan airways" авиакомпаниясига қаршли Лондон — Тошкент йўналишидаги 201-рейс билан келган юртимиз фуқаросида коронавирус инфекцияси аниқланган.

Эслатиб ўтамиз, шу йил 15 март кун соат 05:15 да "Uzbekistan airways" авиакомпаниясига қаршли Истанбул — Тошкент йўналишидаги 274-рейс билан келган Ўзбекистон фуқаросида ҳам ушбу инфекция қайд этилган эди.

Беморлар билан мулоқотда бўлганларнинг рўйхати олиниб, уларнинг саломатлиги устидан тиббий назорат ўрнатилди.

Ҳозир шифокорлар ва мутахассислар томонидан белгиланган стандартлар бўйича даволаш ва эпидемиологик суриштирув ишлари давом эттирилмоқда.

## Кун мавзуси

### ВАҲИМА ВА САРОСИМАГА ҲЕЧ ҚАНДАЙ АСОС ЙЎҚ

пандемия тарқалишининг олдини олиш борасида барча зарур чора-тадбирлар белгиланган

Шу йил 15 март кун Республика Вирусология илмий-тадқиқот институти лабораториясида Францияда бўлиб қайтган бир нафар Ўзбекистон фуқаросида COVID-19 коронавирус инфекцияси аниқланган. Мазкур воқеа муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов бошчилигида ОАВ вакиллари ва блогерлар учун матбуот анжумани ташкил этилди.

Коронавирус тарқалишининг олдини олиш мақсадида жорий йил 16 мартдан бошлаб Ўзбекистондаги барча мактабга, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ҳамда олий таълим муассасалари вақтинча ёпилди.

Таълим муассасаларидаги карантин икки ҳафтагача давом этиши кўзда тутилган, бироқ вазиятга қараб муддат узайиши ҳам мумкин. Мактабларда вақтинча таътил эълон қилиниши таълим муассасаларида санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш ҳамда ўқувчи ва ўқитувчиларнинг саломатлигини муҳофаза этишни кўзда тутади.

Барча оммавий тадбирлар, шу жумладан, Наврўз байрами доирасидаги умумхалқ сайиллари бекор қилинди. Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати қолдирилди.

Ўзбекистон темир йўлларининг барча халқаро йўналишларда ҳаракатландириган йўловчи поездлари қатнови 16 мартдан бошлаб вақтинча тўхтатилди. Мазкур поездларга билет харид қилган йўловчиларнинг чипта пули барча темир йўл кассаларида ҳеч қандай фойз ушланмасдан, тўлиқ қайтариб берилади.

Давоми 4-бетда

## Ҳуқуқ

### ФУҚАРОЛИК ҳаёт тақозо этаётган зарурият

Ботир МАТМУРАТОВ, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисидаги қонуний нормаларнинг такомиллаштирилиши яна бир бор халқимизнинг демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намойиш қилди ва инсонпарварлик тамойилларига амал қилиниши сифатида эътироф этилди.

Мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлисига Мурожаатномасида ушбу масалага тўхталиб, бундай деганди: "...фуқаролик масалаларига оид қонунийликни такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида навбатдаги муҳим қадам қўйиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Айниқса, мамлакатимизда узоқ вақтдан бери яшаб келаётган, лекин Ўзбекистон фуқароси деган ҳуқуқий мақомга эга бўла олмаётган минглаб юртдошларимизнинг ана шу муаммосини қонуний ҳал этиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чораларни кўриш вақти келди, деб ўйлайман..."

Президентимиз, шунингдек, 1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шундан буён истиқомат қилаётган шахсларга Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги автоматик тарзда берилиши лозимлиги ва 50 мингга яқин юртдошимизнинг фуқаролик билан боғлиқ узоқ йиллардан буён ечилмасдан келаётган муаммолари ҳал этилажагини таъкидлади.

Давоми 2-бетда

## КОРОНАВИРУС: дунёда ва Ўзбекистонда

16.03.2020 йил ҳолатига кўра, дунёда коронавирус билан касалланганлар ҳақида маълумот:



- жамми касалланганлар сони — **174** минг нафардан ортиқ
- касалликдан тузалганлар сони — **78** минг нафарга яқин
- вафот этганлар сони — **6685** нафар

16.03.2020 йил соат 22:00 ҳолатига кўра, Ўзбекистонда бу борадаги кўрсаткич:



- касалланганлар сони — **8** нафар
- вафот этганлар йўқ.
- беморларнинг аҳоли қониқарли ҳолатда

## ЭРОНГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Хуршид ҚОДИРОВ, ЎЗА мухбири

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортидан Президентимизнинг алоҳида кўрсатмасига мувофиқ, коронавируснинг олдини олиш чора-тадбирларига кўмаклашиш мақсадида Эрон Ислом Республикасига инсонпарварлик ёрдами юборилди.



Бу ҳақда 2020 йил 12 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойиши имзоланган эди.

— Эрон Ислом Республикаси ҳукумати Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга янги коронавирус "COVID-19" касаллиги тарқалишини бар-

Давоми 4-бетда



## АТРОФ-МУҲИТ



### ДАРАХТЛАРГА ЗИЁН ЕТСА, БОРЛИҚҚА ПУТУР ЕТАДИ

Ислом ХУШВАҚТОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзоси

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотиغا кўра, ҳар йили дунёда ўн икки миллиондан ортиқ киши атроф-муҳит ифлосланиши туфайли келиб чиқаётган глобал экологик муаммолар, жумладан, тўфонлар, қурғоқчилик ёки иқлим ўзгариши билан боғлиқ юқумли касалликлардан вафот этмоқда. Бунинг олдини олиш, сайёраимизда экологик барқарорликни таъминлаш мақсадида дунё миқёсида муҳим ташаббуслар илгари сурилмоқда, қатор лойиҳалар амалга ошириляптир.

Халқимизнинг соғлом ва узок умр кечириши учун қулай муҳит яратиш мамлакатимизда амалга ошириляётган иктомий-иқтисодий ислохотларнинг бош мақсадидир. Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам бу йўналишдаги муҳим вазифалар ҳақида тўхталиб, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик ҳолатни яхшилашга эътиборни янада кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Жорий йил 6 мартда Президентимиз раҳбарлигида атроф-муҳитни асраш ва

чиқиндиларни бошқариш тартибини такомиллаштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда бу борадаги вазият яна бир қарра танқидий таҳлил этилиб, устувор вазифалар белгилаб берилди.

Мазкур йиғилишда, жумладан, давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарнинг қимматбаҳо навлари кесилишининг олдини олиш бўйича амалга ошириляётган ишлар ҳам таҳлил этилди, камчиликлар очик-ошқора кўрсатиб ўтилди. Бош прокуратурага ушбу масала

бўйича ҳокимлар фаолиятини қатъий назоратга олиб, жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш топширилди.

Дарахтларнинг ноқонуний кесилиши масаласига бу қадар эътибор кучайтирилиши бежиз эмас. Зеро, Ер юзининг йигирма фоизини ташкил этадиган ушбу яшил бойлик тириклик оламига тоза ҳаво билан таъминлайдиган, ҳаёт мувозанатини сақлайдиган муҳим манбадир. Дарахтларга зиён етса, табиатта, демакки, борлиққа ҳам путур етади.

Афсуски, сўнги пайтларда дарахтларнинг ноқонуний кесилиши билан боғлиқ ҳолатлар тез-тез жамоатчиликнинг кенг муҳокамасига сабаб бўлмоқда. Жумладан, яқинда пойтахтимизнинг Яққасарой туманидаги Юнус Ражабий кўчасида кўпийлик 81 та дарахт ноқонуний кесиб ташланиши оқибатида ўсимлик дунёсига 630,4 миллион сўмлик моддий зарар етказилгани аниқланди. Тошкент шаҳар прокуратураси маълумотиға кўра, мазкур ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг тегишли моддалари бўйича Яққасарой тумани ҳокимлиги ва "Building And Supplies" МЧЖ мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши кўзгатирилган.

Дарахтлар кесилиши билан боғлиқ бу каби ҳолат, афсуски, республикада янгона эмас. Бундай вазиятга юртимизнинг

исталган ҳудудида дуч келиш мумкин. Жойлардаги ўрганишлар давомида шу нарса аниқ бўлдики, дарахтлар кесилиши, мамлакатимиз иқлим шароитига мос келмайдиган дарахт турлари экиляётгани ва ниҳоллар кўпича қаровсиз қолиши оқибатида қуриётгани аҳолининг кўплай эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Яна бир муаммо — жойлардаги дарахт ва буталар сони ҳамда сифати ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Дарахтларда касалликларни аниқлаш бўйича кузатувларга ботаник-мутахассислар жалб этилмайди. Парқ, хиёбон ва бошқа жамоат жойларида дарахт кесилиши ва яшил қоплама реконструкцияси жараёнлари бўйича ҳулоса қабул қилишда жамоатчиликнинг иштирок этиш тизими шакланмаган.

Шунингдек, шаҳар ва аҳоли пунктларида дарахтларни парвариш қилиш, улардаги турли касалликларга қарши курашиш яхши йўлга қўйилмаган, натижада дарахт ва буталар биологик, санитария жиҳатидан ачинарли ҳолатга келиб қолган. Дарахтлар ҳолати учун жавобгар мутасадди ташкилотлар ҳисоботларида касаллик ва зараркундаларга қарши курашиш ишлари юз фоизга бажарилди, деб кўрсатилади, аммо амалда бунинг аксини кўп бор кузатганмиз.

## МОРАТОРИЙ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Президентимизнинг 2019 йил 30 октябрдаги фармониға кўра, юқоридаги каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишиға 2019 йил 1 ноябрдан 2020 йил 31 декабргача мораторий жорий этилди.



Вазирлар Мақамасининг 2020 йил 18 февралдаги "Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарнинг қимматбаҳо навларини сақлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан эса бундай

дарахтларнинг 78 номдан иборат рўйхати тасдиқланди ҳамда улар кесилишиға мораторийни амалга ошириш тартиби белгиланди.

Қарорға кўра, давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларини кесиб бўйича Давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали аризалар қабул қилинишиға йўл қўйилмайди. Шу билан бирга, ҳудудий экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари томонидан дарахтлар ва буталарни кесиб учун ҳулосалар бериш, туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан эса дарахтлар ва буталарни кесиб учун рухсатномалар расмийлаштирилиши таққиланди.

## ДАРАХТ ҚУРИГАН ЁКИ КАСАЛЛАНГАН БЎЛСА-ЧИ?

Ҳақли савол тугилади: ҳўш, "Обод маҳалла" ва "Обод қишлоқ" давлат дастурлари лойиҳалари асосида ҳудудларни ободонлаштириш ишларида бунга зарурат тугилса-чи? Ҳукумат қарорида бу жиҳат ҳам эътибордан четда қолмаган.

Унда белгиланишича, мазкур ҳолатда касалланган, қуриётган ёки қуриб қолган, одамлар ҳаёти ва соғлиғига, мол-мулкига ҳавф соляётган дарахтларни кесиб ва қуриш қонун ҳужжатларига мувофиқ, фақат туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари томонидан амалга ошириляди.

Маълумотларға кўра, расмий рухсат билан дарахтларнинг ярмидан ортиги қурилиш ва коммуникация билан боғлиқ ҳолатлар туфайли кесилмоқда. Эндиликда ер майдонларини танлаш ва ажратиш босқичида расмийлаштириладиган ҳужжатларда, маҳаллий иқро этувчи ҳокимият органларининг қарорларида, онлайн аукцион натижалари баённомаларида ер участкасида ўсаётган дарахтлар сони, уларнинг аниқ координаталари, навлари, диаметри, баландлиги кўрсатилиши шарт, шунингдек, уларни сақлаб қолиш ва муҳофаза қилиш чоралари қайд этилиши лозим.

Масалан, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишда қурилиш майдонида ўсаётган дарахтлар



ва буталар қимматбаҳо навлари тўлиқ сақлаб қолиниши ёки кўчириб ўтказилиши таъминланиши шарт. Ҳеч бўлмаганда, уларнинг камида 50 фоизи сақлаб қолиниши ёки кўчириб ўтказилиши ёхуд уларнинг ўрниға ўнтадан кам бўлмаган дарахт компенсация сифатида экиб берилиши зарур.



## 1 МАРТДАН КУЧГА КИРГАН ЯНГИ ТАРТИБ

2020 йил 1 мартдан бошлаб қурилиш-таъмирлаш, бузиш бўйича лойиҳа ҳужжатларида, шунингдек, қурилиш объектларини фойдаланишиға қабул қилишда мажбурий тартибда ўсимлик дунёси объектларига ва уларнинг ўсиш муҳитига салбий таъсир кўрсатишининг олдини олишни таъминлайдиган, уларни бундай таъсирдан ҳимоя қиладиган чоралар, компенсация тадбирлари ҳамда кўкаламзорлаштириш бўйича қонда ва меъёларға риоя этилиши белгиланди.

Шунингдек, қарорда масъул ташкилотлар дарахт ва буталарни кўчириб ўтказиш тартиби ҳамда компенсация тадбирларини амалга ошириш шартлари бузилгани, дарахт ва буталар ноқонуний кесилгани учун жиноий жавобгарлиқни кучайтириш бўйича таққиллар киритилиши айтилган. Бу санкцияларининг кучайтирилиши, бир томондан, фуқаролар масъулиятини оширса, иккинчи томондан, ҳар бир ноқонуний ҳаракат учун жазо муқаррар эканини кўрсатади.

Дунё мамлакатларида агар аҳоли қарши бўлса, дарахтлар кесилмайди. Масалан, Хитойда 30 – 40 қаватли бинолар қуриладиганда ҳам яқин орадаги дарахтлар атрофи махсус панжара билан ўралиб, ҳимояға олинади, қуриётган дарахтнинг илдиридори дори берилиб, ҳаётға қайтарилади. Юртимизда ҳам бу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш лозим. Ҳар бир киши мазкур жараёнға бефарқ бўлмаса, дарахт кесилиши билан боғлиқ ҳолатларға дуч келганда, тегишли ташкилотлар вақтида хабардор қилинса, шунингдек, бу жараёнға қонун нуқтаи назаридан ёндашилса, албатта, қутилган натижаға эришиляди.

## ФАРМОН ВА ИЖРО

# ТОЗА ИЧИМЛИК СУВ: ИСРОФГАРЧИЛИК УЧУН ЖАРИМА ҚўЛЛАНАДИ

Ирода ТОШМАТОВА,  
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

Сайёраимизда глобал экологик муаммолар тобора кучайиб бораётган бугунги даврда сув ресурсларини рационал бошқариш ва ундан самарали фойдаланиш, аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш масаласи тобора долзарблик касб этаёттир.

Президентимизнинг 2019 йил 26 ноябрда қабул қилинган "Аҳолининг ичимлик сув билан таъминланганлик даражасини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бу йўналишда мамлакатимизда амалга ошириляётган ишларни такомиллаштиришға хизмат қилмоқда.

Айтиш кераки, сўнги йилларда мамлакатимизда сувдан оқилана фойдаланиш, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, охириги икки йилда ичимлик сув ва канализация тизимини яхшилашға 2 триллион 400 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бу аввалги 10 йилда ажратилган жами маблағдан икки баравар кўп демакдир.

Шунга қарамай, юртимизда аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш даражаси 68 фоизни ташкил этмоқда. Фармонда бу йўналишда амалга ошириляётган ишларни такомиллаштиришға хизмат қилмоқда.

Айтиш кераки, сўнги йилларда мамлакатимизда сувдан оқилана фойдаланиш, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.



## ЯХШИЛАНАЁТГАН ИЧИМЛИК СУВ ТАЪМИНОТИ

— Аҳолини тоза ва сифатли ичимлик сув билан таъминлаш фаолиятимизнинг муҳим йўналишидир, — дейди инспекция бўлим бошлиғи Турсунўлат Шодиев. — Шу мақсадда замонавий технологиялардан кенг фойдаланиш йўлга қўйилмоқда. Ҳар йили инвестиция дастурлари асосида тизимда олиб бориляётган модернизация ишлари ҳисобиға марказлашган ичимлик сув билан таъминлаш кўрсаткичи 3-5 фоиз ошиб бормоқда.

Инспекция маълумотиға кўра, ҳудудларда ичимлик ва оқова сув тизимларини яхшилаш мақсадида 2019 йилда давлат инвестиция дастурлари асосида жами 1 триллион 788,4 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Натижада аҳолининг ичимлик сув билан таъминлангани сезиларли даражада ошди. 2020 йилда ушбу мақсадлар учун давлат бюджетидан 1 триллион 285,3 миллиард сўм ажратилиб, қурилиш ва реконструкция ишлари изчил давом эттирилмоқда.

## ИСРОФГАРЧИЛИККА ЙЎЛ ҚўЙГАНЛАР ЖАРИМАГА ТОРТИЛАДИ

Аҳолини обихаёт билан таъминлаш бир неча босқичида амалга оширилядиган, каттагина маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этадиган жараён. Ана шундай машаққатли меҳнат ва катта харажат эвазига хонадонимизға етказилган тоза ичимлик сувни тежаш барчамизнинг бурчимиз. Бироқ ораимизда ичимлик сув ва канализация тизимлариға ноқонуний уланиш, ҳисоблагичларға шикаст етказиш, ноқонуний тарзда қудуқ қазиш, сув иншоотларидан фойдаланиш қондаларини буздиғанлар ҳам учраб туради. Ўтказилган мониторинглар жараёнида охириги уч йилда ўн беш мингдан кўпроқ шундай ҳолат аниқланган. Муаммони бартараф этиш ва аҳолининг сувдан тежамкорлик билан фойдаланишини таъминлаш мақсадида исрофгарчиликка йўл қўйган ва сувдан ноқонуний фойдаланган истеъмолчиларға нисбатан маъмурий жарима қўйилди.

Бундай муаммоларнинг олдини олишда жазо чораларининг ўзи етарли эмас. Қўзланган мақсадға эришиш учун, аввало, аҳоли, айниқса, ёшларда табиий бойликларға нисбатан тежамкорлик туйғусини кучайтириш, бу борадаги қадриятларимизни синдириш муҳим аҳамиятға эға. Шу мақсадда ўтган йили аҳоли орасида "Сувнинг ҳар томчиси тиллоға тенг" шiori остида мингдан ортиқ тарғибот-ташвиқот тадбири ўтказилди. Маҳаллалар, таълим муассасалари ва хонадонларда ўзаро мулоқот, учрашув, давра суҳбатлари ташкил этилди.

Мазкур тадбирлар давомида юрдошларимиздан мингта яқин таққил фармонимизда амалга ошириляётган ишларни аниқ кўрсатиш ва хонадонларда ўзаро мулоқот, учрашув, давра суҳбатлари ташкил этилди.

Мазкур тадбирлар давомида юрдошларимиздан мингта яқин таққил фармонимизда амалга ошириляётган ишларни аниқ кўрсатиш ва хонадонларда ўзаро мулоқот, учрашув, давра суҳбатлари ташкил этилди.





МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

# От чоптирса гумбурлайди тоғнинг дараси



Собир УНАР, ёзувчи

Қишлоғимиздаги сойнинг бошида йилкичилик-наслаликка ихтисослашган биопункт бўларди, ҳозир ҳам бор. Илгари 150–200 га яқин йилкининг ичига алоҳида наслдаги айғирлар қўйиб юбориларди. Шуларнинг ичида Қора от дегани бор эдики, гавдаси ҳам бошқа отлардан нақ бир ярим баравар узун ва ўмровли эди. Кўпқарнинг жонқуяри Муҳаммад оқсоқол Ғаниев бу отни уюрга қўйиб юбормас, миниб юрар, ўғли Мустафо полвонга бериб кўпқари чоптирарди. Мустафо билан Исмаи полвонни элга шу Қора от танитди. Шу боис, отнинг ўзи ҳам йилкибоқарлар Муҳаммад бобо билан Ҳамро боболарнинг парваришида эди.

Отнинг эслиси бўларкан. Қора от эсли, ақли эди. Устидаги чавандознинг "ҳайт-хуйт!", "ҳажоҳа-ҳажоҳа", "торт, жонивор!" деган ҳайкиригига ҳамоҳанг тўдани иккига ажратиб бўлиб ташларди. Тасаввур қилинг: устидаги полвон улоқни олиб тақимга босган, бошқа чавандозлар улоқнинг пойчасига ёпишади, тақими бўш полвон бўлса, паства босиб тортган чавандозга улоқни бериб қўяди. Исмаи полвонга ўхшаган қўли бакуват бўлса, улоқни олиб бу ёнбошдан у ёнбошга, у ёнбошдан бу ёнбошга ўйнатади. Лекин тўда барибир — тўда-да. Қора от шунда ўнг биқинидан келган отниям, сўл томонидан келганини атайлаб уриб-суриб юборар, сўнгра ҳисобидан адашган чавандозлар доғда қолар эди. Ақли зот маррага тўри келиб бир тўхтаб, улоқ ташлангач, чавандознинг ҳайкиригига монанд ёлларни силкитганча дарининг нариги беткайиғача пишириб, кўпириб чопиб кетарди. Гўё чавандоз билан бирга шавқа завққа тўлиб, галабани тантана қилар эди.

Исмаи — Исмаи, Мустафони — Мустафо қилиб танитган шу тулпор эди. Болалигимдан бир мисол айтай. У вақтлар Муҳаммад бобо тоғнинг нарёғидаги, берёғидаги от уйинларга ҳам ўзи бақовуллик қиларди. Қишнинг изгирида нарёғидаги хешларда бир кўпқари бўлди. "Бақиршиб, чувлашиб турсан, чавандозга далда!" деб бизга ўхшаган бурни оққан чурвақаларни ҳам мингаштириб олиб кетди. Икки кунлик кўпқари. Биринчи кун тушгача Исмаи, тушдан кейин Мустафо полвон Қора от билан яроқли совриннинг барини тортиб олди-қўйди. Мол, туя деганлари иккинчи кун, тушдан кейин қўйилди. Мустафо полвон ичи тузга тўлдирилган тўрт яшар такани оғирлигидан тақимга босиб, тушириб қўймадик учун орқага чалқайганча икки қўллаб орқа оёғидан ушлаб, қамчини тишлаб, "ҳайт-ҳайт!" деб маррага чоптириб келяпти. Меъзон жамонатнинг ори қўзиди. Чўбир-чўлтоқ миниб юрганлар ҳам "гов кун, ҳей, гов кун!" дея бақиршади. Қора тулпор бўлса тўдани ёриб, бузиб, сувлигидан кўпик сачратиб олдинга силтаниб-силтаниб, атай оёқларини кериб-кериб чопаетир. Биз ҳам ўзимизча чувлашамиз. Ҳамро отам, Омон акам отнинг орқасида, чўбирда, етса Қоранинг орқа сағринига бир қамчи-икки қамчи уриб қолади. "Ҳа, де! Ҳа, де! Жонинг борми, Мустафо!" деб чавандозни уришади.

Қора ўзи билганидай, бошқа отларни писанд қилмай, нари-бери суриб маррага келди, сомон чизқини ёнлаб ўтаётган бир гидирди. Така ерга тушиб, думалаб бориб нақ чортоқнинг ўртасида тўхтади.

Чавандознинг зўри — зўр бўлади. Отнинг ҳам зўри — зўр бўлади. Биргина одам баланд овозда ҳайкирди:

— Эй, гов қилмасанг, тов қилмайсанми? Зўр олчиқад! Тан бердинги энди! Бу Муҳаммад оқсоқолнинг овози эди.

Бобо чарс эди. Кечки аёзда кўноқ-қаям қолмай, тоғ ошиб кел қўйганмиз ўшанда.

Одамнинг гурурини қўзитадиган шунақа гаройиб ўйин бу кўпқари. Азалий ўйин. Юз эллик йилнинг нарисиди гаплар ҳам бор. Тўртинчи отам Хидир чавандоз бўлган. Тақими-га такани босса, ёпишган полвон унинг бутидан обдон тармашиб торта берса, улоқнинг бутлари айрилиб кетар экан, лекин тақимини бушатмас экан.

Чавандоз насли узиллиб қолмайди. Хидир бобомнинг касми Исмаи полвонга чирмашган эди. Исмаининг умри қисқа бўлди — ўттиз саккиз ёшда қўзиди — чин дунёга кетди. Лекин ўғиллари Низом полвон, Жалол полвон бўлиб довуқ қозонди. Шундай қилиб, Исмаи полвоннинг фарзандлари отасининг изидан қатта полвон бўлиб етишди. Исмаи полвоннинг биргина фарзандлари эмас, шогирдлари ҳам талайгина бўлган. Шулардан Жозил полвон эл ичра донги кетган чавандоз бўлиб етишган. Беркин полвоннинг Ҳасан, Шерали деган ўғиллари ўздан ўтиб тушди.

Элибек полвонга халиям газ берсангиз, даврани ҳайкирган қўйи бир тирқиратиб қайтади. Олтишдан ошсам "энди бизники бўлди", деб қўяқолмай-

СПОРТ



## "МУЗ ЖОЙИДАН КҮЧДИ"

биринчи марта "Амирсой" да тоғ-чанғи спорти бўйича республика чемпионати ўтказилди

Абдулхай ЮНУСОВ

Ўлкамизда баҳор нафаси уфуриб турган бўлса-да, ҳали тоғ худудларидаги қир-адирларимиз қор билан ястаниб ётибди. Ҳамон "Чимён" ва "Амирсой" тоғ-чанғи комплекси қишки спорт турлари ишқибозлари билан гавжум. Бу ерда ёш тоғчанғичилари ҳам машғулотларга астойдил киришган.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 4 февралдаги "Қишки спорт турларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан сўнг соҳани янада ривожлантириш, бу спорт турлари бўйича мусобақаларни тизимли йўлга қўйиш, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни танлаб олиш, спорт мажмуаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги лойиҳаларга эътибор кучайди. Ўтган бир ой мобайнида мамлакатимизда қишки спорт турлари тарихоти ва ёшлар ўртасида оммавийликни ошириш мақсадида турли мусобақалар ва фестиваллар ўтказишга эришдик.

Тан олиш керак, қарор қабул қилинганга қадар қишки спорт турлари бўйича мамлакатимизда ягона муассаса — спортнинг қишки ва техник амалий турлари бўйича

тасарруфига берилиши биз учун қувонарли воқеа бўлди — дейди Спортнинг қишки ва техник-амалий турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби директори Комилжон Холматов.

Вилоятларда ҳам муз қопламали энгил конструкцияли мажмуалар қуриш лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. Улар амалга ошса, вилоятларда ҳам қишки спортнинг сноуборд, кёрлинг, шорт-трек ва хоккей турлари билан шуғулланиш учун шароит яратилади.

республика олий спорт маҳорати мактаби фаолият юритарди. Спорт даргоҳининг тоғ чанғиси бўлимида 95 нафар ёшга 7 нафар, сноуборд бўлимида 22 нафар спортчига 2 нафар, конькида фигурали учаш бўлимида 23 нафар болага 3 нафар мураббий ўқув машғулотлари ўтказилди. Мактабда 550 нафар йигит-қиз қишки спорт турлари билан машғул. Бу мамлакатимиз миқёсида олиб қараганда жуда кам кўрсаткич.

— Албатта, бугун соҳада ижобий ўзгаришлар амалга оширила бошлади. "Муз жойидан кўчди" ва биринчи марта "Амирсой"да тоғ чанғи спорти бўйича республика чемпионати ўтказишга эришдик. Шу билан бирга, "Чимён" тоғ чанғи мажмуасидаги иккита дор йўлининг мактабимиз

Президентимиз имзолаган қарор юртимизнинг барча худудда қишки спорт турлари билан шуғулланувчилар қамровини кенгайтиришдек муҳим вазифани белгилаб берди. Аҳоли ўртасида оммавийликни оширишда Бухоро, Фарғона, Самарқанд, Хоразм, Андижон вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида 2021 йилгача барпо этилиши режалаштирилган энгил конструкцияли суний муз саройлари жуда муҳим. Шу боис, вилоят жисмоний тарбия ва спорт бoshқармалари билан Қишки спорт турлари ассоциацияси ўртасида меморандум имзоланди. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида ушбу худудларда жойлашган Олимпия заҳиралари бодлар-ўсмирлар спорт мактабларида спортнинг конькида фигурали учаш, шорт-трек, кёрлинг, хоккей турлари бўйича тўғрақлар ташкил этиши юзасидан вазифалар белгиланди.

Шунингдек, қишки спорт турларини ривожлантириш учун хориждан таклиф этилган мураббий ва мутахассисларни хизмат уйлари билан таъминлаш, Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт университетида кейинги йилдан бошлаб қишки спорт турлари кафедрасини ташкил қилиш ва бошқа чоралар унинг кенг оммалашувига хизмат қилади.

ЭҶТИРОМ

# Шукроналик умрни узайтиради

Гулсум ШОДИЕВА

Фарғона вилояти Бувайда туманида умргузaronлик қилаётган Хувайдо момо Умарова бу йил ўзининг 125-бахорини қарши олди. Ҳаётнинг не-не машаққату заҳматларини бошдан кечирган бу мўътабар аёл жаннатмонанд Ўзбекистонимизнинг энг ёши улуг инсонларидан биридир.

Етти нафар фарзанднинг онаси бўлган момо айти пайтада 32 нафар набира, 70 нафар чевара ва 67 нафар эвараси ардоғида яшамокда. Айниқса, энг тўнғич набираси Жумақўзи ака момони еру қўкка ишонмайди.

— Шукроналик умрни узайтиради, — дейди Хувайдо момо. — Ўтаётган ҳар бир кунингиз қадрига етинг. Илоҳим, биз кўрган қийинчиликларни фарзандларимиз кўрмасин. Менинг ёшлик даврим очарчилик йилларига тўғри келди. Ярим оч ўсиб, бир кило ун топилса, бошимиз осмонга етар эди. Ҳозир ноннинг сархил турлари бор. Кексалар уни асраб-авайлаш ҳақида

фарзандларига ўқтириб туришлари керак. Мен бир умр меҳнат қилдим. Кўрпа қавиб, қуроқ тикдим, ер чопиб, бугдой экдим, пахта тердим, эҳ-ҳе, нима ишлар қилмадим. Энг муҳими, оқил фарзандлар тарбияладим. Мана энди фарзандларим ардоғида роҳат ва фароғатда умр кечираялман.

Хувайдо момо ўзи айтганидек, ёшларни меҳнатга, шукроналикка, мақсадли ва мазмунли ҳаёт кечиршига даъват этади. Унинг фикрича, бемақсад яшаган одамнинг номи ҳам тез унутилади.

— Бувимиз бизни ҳалол меҳнатга, соғлом турмуш тарзига риоя қилиб яшашга ўргатди, — дейди Жумақўзи Ҳошимов. — Унинг



Суратда: Хувайдо момо набираси — 64 ёшли Жумақўзи Ҳошимов билан.

ҳаёти фаровон ўтмаган. Болалиги ўтган асрнинг бошларига — очлик, қаҳатчилик даврига тўғри келган. Шу боис, тилидан бугунги кунлардан шукроналик тушмайди. Бизлар ҳам ундан ўрнак олиб, фарзандларимизни меҳнатда тобланиб, юрт қорига ярайдиган инсон бўлиб улғайтиришга ҳаракат қилаямиз. "Қариси бор уйнинг париси бор" деганларидек, бугун ўзим ҳам кексайдим. Ортимга назар ташлаб, бу гўзал ҳаёт ва бахт наҳидасини бувим берган ҳалол меҳнат ва тарбияда деб биламан. Хувайдо момонинг тилидан кўчган бу оддий ҳаётий ҳақиқатлар, унинг довулли йиллардан эсон-омон ўтиб, бугунги дориламон кунларга етказган бўлса, ажаб эмас. Буни бугун дуога қўл очиб, эл-юртга тинчлик ва тўқин ҳаёт сўраб, шукрона айтётган пиру бадавлат онаҳон ўз ҳаёти мисолида исбот-памокда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим Дониёров

"Янги Ўзбекистон" газетаси учун масъул:  
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари  
Бахтиёр Абдусатторов

Таҳририятга келган қўлёзмалар такриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридagi Аҳборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма — 1010.  
43186 нусха босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.  
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Хайридин Мурод  
Навбатчи: Рисолат Мадиева  
Мусаҳҳиҳ: Мафтуна Минбоева

Босмаҳона телефони: (71) 230-27-76

Манзилимиз:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15

"KOLORPAK" МЧЖ босмаҳонаси. Корхона манзили:  
Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй.  
ЎЗА якуни — 20:40 Топширилди — 00:20 1 2 3 4 5 6